

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ПРОКУРАТУРАНИНГ ЎРНИ
ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Уринбой Абдулимов

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

Email: urinboyabduolimov57@gmail.com

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари, асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни демократлаштириш, жиноий жазо ва уларни ўташ тартибини инсонпарварлаштириш, шунингдек, мазкур соҳада иш юритувининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Шундай ислоҳотларни амалга оширишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини кўрсатиш мумкин¹. Мазкур фармонда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давомида амалга ошириш режалаштирилган бир қатор чора-тадбирлар санаб ўтилган.

Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан зудлик билан қонуний чора кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйилганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шу билан бирга бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларидан фойдаланиш, ходимлар ўртасида суистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга кодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги баён этилган.

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар билан бирга мазкур фармонда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 21.10.2016 йил “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <http://press-service.uz/uz/lists/view/88>

орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тугатиш, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш муддатини қисқартириш, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш муддатларини оптималлаштириш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, шунингдек судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқини бериш ва дастлабки терговда йўл қўйилган камчиликларни суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтини бекор қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ чора-тадбирлар санаб ўтилган.

Мазкур Фармонда кўрсатилган чора-тадбирлар жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини самарали амалга ошириш кафолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, мазкур ҳужжатда назарда тутилган чора-тадбирлар инсон, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада такомиллаштириш орқали судгача бўлган босқичда йўл қўйиладиган камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши билан белгиланади².

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2004 йил 9 декабрда қабул қилинган 33-сон буйруғида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибий тармоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари, туман (шаҳар) прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратини тўғри ташкил этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилиши зарурлиги, прокуратура органларида ишларни ташкил этиш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилиш, фаолиятни такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, қоғозбозликка барҳам бериш, ҳисоботларни юритиш борасида ташкилий-назорат ва таҳлил тармоқларининг иштироки ва масъулияти оширилиши лозимлиги, ташкилий-назорат ва таҳлил тармоқлари томонидан маҳкаманинг бошқа таркибий тармоқлари орасидаги ҳамкорликни ўрнатиш, фаолиятда бир-бирини такрорлаш, муайян масала юзасидан турли тармоқлар томонидан қуйи прокуратураларга топшириқлар юбориш, ҳисобот маълумотларида яққол кўриниб турган кўрсаткичларни заруратсиз шарҳлашни талаб қилиш ҳолатларини олдини олишнинг барча чоралари кўрилиши кераклиги ҳамда шу каби бир қатор масалаларга алоҳида урғу бериб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура органлари фаолиятида **кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласига ҳам катта эътибор берилади.**

² “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда.

Прокуратура органларига ишга қабул қилинаётган ёш ходимлар тегишлича Ўзбекистон Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим. Ёш мутахассисларнинг ишларини пухта ташкил қилиш прокуратура органлари истикболли фаолиятини таъминлашга қаратилади.

Прокуратура органларида хизмат қилаётган ходимлар ўз касбий фаолиятлари давомида ўз хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганлиги, ташаббускорлиги ва ишдаги эпчиллиги учун рағбатлантириладилар.

Рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Рағбатлантириш: ташаккурнома, пул мукофоти, совға, қимматбаҳо совға, белгиланган муддат тугамасдан навбатдаги даражали унвон бериш, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишонини бериш каби турлари мавжуд. Интизомий жазолар эса: ўртача ойлик иш ҳақининг 40 % дан кам бўлмаган миқдорда жарима солиш, ҳайвфсан, меҳнат шартномасини бекор қилиш. Ушбу интизомий жазолар прокуратура-тергов ходимларига, шунингдек, прокурор, прокуратурага қарашли ўқув, илмий ва бошқа муассасаларнинг ходимларига нисбатан ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд прокуратура ходими деган номга доғ туширадиган ножўя ҳатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ишлаб чиқилган дастурларни самарали амалга ошириш - давлат органларининг, шу жумладан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий вазифаларидан бирига айланиши шарт. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” лиги тўғрисидаги фикрлари айни ҳақиқат эканлигини кўришимиз мумкин³.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон,

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. -2016. – 38 (2425) сон.

13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган ЎРҚ-369-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон; 04.08.2022 й.

7. Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон; 04.08.2022 й., 03/22/787/0708-сон, 27.10.2022 й., 03/22/796/0966-сон; 09.08.2023 й., 03/23/860/0571-сон.